



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 151 (10.456)

2005 ЙИЛ 4 АВГУСТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли**
Янгиликлар, воқеалар

ҚУСҚА
сатрларда

● **УЧТЕПА** туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди.

● **ЯНГИ** ўқув йили бошланиши арафасида Шайхонтоҳур туманидаги 113-мактаб биноси капитал таъмирдан чиқарилди, мактаб ҳовлисида гулзор ташкил этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Перинатал марказига хориждан замонавий тиббий технологиялар келтирилди.

● **МИРОБОД** туман ҳокимлигида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбир Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда Миробод туман ҳокимлиги ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Файратий маҳалласида «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорликларида ташкил этилган инглиз тили бўйича ўқув курсининг навбатдаги машғулотли бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Миришкор» маҳалласида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича ўтказилган тадбир «Камолот» ЁИХ Бектемир туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт институт талабалари ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Бу йил юртимиз Мустақилликка эришганига 14 йил тўлади. Шу давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда олиб борилган ислохотларнинг самаралари ҳолис кўз билан қаровчи ҳар бир инсон учун аёндыр. Истиқлолдан кейинги дастлабки йилларда Юртбошимиз ташаббуслари билан халқимиз унутайзган меъморий обидалар, жойлар ва уларнинг номлари қайта тикланди, ўтмишдошларимиз хотиралари абадий тарих зарваракларига муҳрланди. Истиқлол туфайли янги, замонавий иншоотлар қад ростлади. Эндиликда биргина муҳташам Тошкент шаҳри-пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларига разам солсак, кўплаб ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз.

ЭСКИ ШАҲАР ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Кичик халқа йўли, йўл ўтказгич ва кўприкларнинг қурилиши шаҳарда транспорт қатновига самарали таъсир этди. Тошкентнинг тарихий макони бўлган Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод этиш ишлари бошлаб юборилди.

Йўловчилар ва автоуловлар учун қулай шaroит яратиш, кўчалар ва шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг шарт-шaroитларини яхшилаш ҳамда эски, тор биноларни бузиш, Эски Жўва бозорига келиб кетадиган харидорлар учун қулайликлар туғдириш, шу ҳудуд санитария ҳолатини яхшилаш ва Эски шаҳарни ҳар томонлама саришта, гўзал шаҳарга айлантириш мақсадида шу йилнинг январь ойидан кенг қўламдаги ишлар бошлаб юборилди.

Хусусан, даставвал Эски шаҳарнинг Зарқайнар, Корасарой, Чимбой, Гафур

Ғулом, Сағбон ва Форобий сингари тор ва эгри-бугри кўчалари ўрнига раво, замон талабига жавоб берадиган йўллар барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Тез фурсат ичида ушбу ишлар якунланиб, ҳозирда Эски шаҳарнинг айнан шу янги раво кўчаларидан барча қулайликларга эга бўлган «Мерседес» русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Бу ҳудуддаги 167 гектардан ошмиқ майдон қўлланасозлаштирилди. Бу ерда кичик хонадонларда яшайдиган бир неча оилаларга бошқа уй-жойлар ажратилиб, барча шарoитлар яратиб берилди.

Бугунги кунда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг иккинчи босқичи жалал амалга оширилмоқда. Иккита оилавий шифохона, тўққизта маҳалла гузары, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалары, ёшлар интеллектуал маркази, аҳолига янги иш жойларини барпо этиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналары, иккита болалар бoччаси ва спорт иншоотлари барпо этилиб фойдаланишга топширилди.

Ҳозирда Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари бошланадиган ҳудудда, Эски Жўва бозорини тартибга келтириш, бу ерда кенг қўламдаги қўламосозлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шаҳрим — фаҳрим



Транспорт қатновини яхшилаш учун автомобиль йўлларини янада кенгайтириш, ён-атрофда яшил майдон ва гулзорлар барпо этиш, жазирама ис-сикдан сақлайдиган дарахтлар ўтқазиш, айниқса бозорга келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш, Эски Жўва майдонидан транспорт оқими-ни бошқаришни йўлга қўйиш, бу жойларнинг паст-баланд ерлардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда йўллар барпо этиш ишлари кенг қўламда бажаришмоқда.

Шунингдек, Эски шаҳарда Ўзбек либослари уйи галереяси ҳам қури-

моқда. Ҳозирда бу ерда 500 га яқин ишчилар иш олиб бoришмоқда. Айни пайтда 4-оилавий шифохона биноси қайта таъмирланиб, бу ерда Илҳам йўли бағоватиге туман филиали очилиши режалаштирилган бўлиб, 60 фоиз ишлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, бугунги кунда Эски шаҳар қиёфаси кун сайин ўзгариб чиroy очиб бoрмоқда. Бу ҳудудда амалга оширилаётган ишлар Мустақиллик байрами арафасида якунланиб, халқимизга муносиб тўхфа сифатида тақдим этилади.

Орзуғул РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: Эски шаҳар ҳудудининг янги қиёфаси ана шундай чиroy очмоқда; бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

XXI саҳоси
Барча маълумотлардан олingan сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● «Қашқадарётелеком» шўъба корхонасининг Чирокчи туман филиалида 2000 рақамга мўлжалланган, Германияда ишлаб чиқарилган янги «Alkatel» телефон станциясининг монтаж ишлари якунига етиб, фойдаланишга топширилди. Энди чирокчиликлар республикамиз ва жаҳондаги барча шаҳарлар билан алоқа боғлаш имкониятига эга бўлди-лар.

● Бухоро вилоятида жойлашган «Ёш тўқимачи» соғломлаштириш оромгоҳида IEARN - Ўзбекистон Маркази ҳамда «Камолот» ЁИХ томонидан уюштирилган «IEARN — 2005» Интернет оромгоҳи ёзги мавсуми очди. Унда дам олувчилар компьютерда ишлаш ма-лакаларини оширадлар.

● Кеча спорт жиҳозлари ор-тилган махсус қаровон Самар-қанд вилоятига жўнатилиди. 54 миллион сўмдан ортиқ спорт жиҳозлари Самарқанд шаҳри-даги Булунғур, Нуробод, Кат-такўрғон ва Қўшрабoт туман-ларидаги бир нечта болалар спорт мажмуаларига топшири-лади.

● Когон туманидаги «Гулис-тон» ширкат кўжалигида бунёд этилаётган янги спорт мажму-асидаги ишлар нияланмоқда. Бу ерда енгил ва оғир атлети-ка, миллий ва шарқ кккакураш-лари билан шуғулланиш учун барча шарoитлар яратилади.

● Корасув шаҳридаги авто-корхоналарга «Дамас» русумли 15 та микроавтобус топширил-ди. Янги автотехника «Ўзбек-лизинг» миллий компанияси-нинг молиявий қўллаб-қувват-лаши остида харид қилинди.



Жаҳонда

● Буюк Британия, Германия ва Франция ташқи ишлар ва-зирлари Эронга нота топши-ришди. Унда айтилишича, Эроннинг уранини қайта ишлаш бўйича ишларни тиклаши ядро дастури юзасидан музокара-ларга нуқта қўйиши мумкин.

● Махачқалъа атрофидаги газ ўтказгичда амалга ошири-лиши режалаштирилган тер-рорчилик ҳаракатининг олди-олинди. Ҳодиса жойига келган сапёрлар қўлбола бомбани за-рарсизлантиришди.

● Замбия Буюк Британияга Лондонда 7 июль кунини амалга оширилган ва 56 кишининг ҳаётига зомин бўлган террор-чилик ҳаракатларини ташкил этишда бош гунодор Хорун Рашид Асвадни бeришга рози бўлди.

● Хитойдаги Хэнан музофо-тининг Ючжоу шаҳридаги шах-таларнинг бирида газнинг си-зиб чиқиши натижасида 24 нафар шахтёр ҳалок бўлди, икkitаси бедарак йўқолди. Қут-қарувчилар 17 нафар шахтёр-нинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлишди

ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Жаҳоннинг кўплаб давлатлари расмий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўлим жазосини бекор қилишга доир Фармони муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқда.

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Б.Гринвуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонини катта мамну-ният билан қабул қилганлигини қайд этди. Хусусан, у Буюк Брита-ния Ташқи ишлар вазирлиги ҳар доим ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорли бўлиб келганини таъкидлади ва Ўзбекистон Президенти-нинг 2005 йил 28 январда мам-лакат парламентининг икки пала-таси қўйма мажлисидаги маъру-засида белгиланган вазифалар изчил бажарилаётганидан мамнун

эканлигини билдирди. Б.Гринвуд-нинг сўзларига қараганда, Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги-да «2008 йилнинг 1 январигача бўлган давр жамоатчилик билан ишлаш ва жазони ўташ муассас-ларида тегишли шарт-шaroит яра-тиш учун зарур эканлигини яхши тушунишди».

Буюк Британия парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси раиси Э.Дисмор «Ўзбекистон Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармон имзолангани ҳақидаги хабарни эши-тиб мамнун бўлганини» билдирди.

Буюк Британиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки гуруҳи раиси К.Стоун хоним «бу кўплаб ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва халқаро ташкилотлар анчадан буён кутган воқеа» бўлганини айтди. К.Стоун «модомки Ўзбекистон ўлим жа-зосини бекор қилишга тайёрглигини билдирар экан, бу фақат қўлашга лойиқ бўлишини» таъкидлади.

Австрия Ташқи ишлар вази-рлиги вакиллари Х.Гюрер ва Г.Ма-уэртнер-Маркофф Ўзбекистоннинг ушбу қарорига юксак баҳо бeриб, унинг ута муҳим эканлини эътироф этдилар. Улар ушбу масала бўйи-ча Европа Иттифокнинг махсус

баёнотини тайёрлаш ташаббуси билан чиқишга ва шу мақсадда яқин кунларда тегишли ишларни амалга оширишга тайёр эканлик-ларини билдирдилар.

Франциянинг ЕХТҲ ҳузуридаги делегацияси маслаҳатчиси Ф.Де Тушенинг фикрича, ўлим жазо-сини бекор қилиш тўғрисидаги қарор оқилона қадамдир. У маз-кур қарорга баҳо бeрар экан, Ўзбекистон мураккаб, бироқ ута муҳим вазифани ҳал қилишга ки-ришганини таъкидлади. Ўзбеки-стоннинг олий жазони қўллашга мораторий жорий этмасдан ту-риб, ушбу жазони бутунлай бекор қилишга тайёр эканлиги суд-ҳуқуқ тизимини либераллашти-риш масаласига принципиал ва атрофлича ёндашувидан дало-латдир.

(ЎЗА)

ВАЗИЯТГА ХОЛИС БАҲО

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ НОТАСИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасига Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида жойлашган Хонобод базасидан Америка ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетиш борасида йўлланган нота Фарб мамлакатлари оммавий ахборот воситалари учун умуман Америка — Ўзбекистон муносабатларининг аҳолини, жумладан, Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур қарорини шов-шув билан муҳокама қилиш учун навбатдаги баҳона бўлди. Улар ўз материалларида турли-туман тахминларни илгари суриб, бу қарор учун асос бўлган сабабларни изоҳлашга уринмокда.

Бугунги кунда хориз матбуотида эълон қилинган мақолалар ва қатор таҳлилчилар ҳамда сиёсий шарҳловчиларнинг баёнотлари мазмунини шуни кўрсатмоқдаки, уларда асосан Хонободдан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг талаби гўё Андижондаги воқеалар тўғрисида АҚШ томонининг Ўзбекистон раҳбариятига ўтказган сиёсий таъзики билан боғлиқ, деган тахмин илгари сурилмокда.

Айни пайтда Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатимиз ҳудудидан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарори тарихига оид маълумотларга асосланган ҳолда, вазиятга холис қаралса, буларнинг барчаси воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатишга, ҳамма нарсани остин-устун қилишга уриниш эканлиги аён бўлади. Чунки, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий ҳужжатларида бу ҳақда

илгари ҳам бир неча бор баён этилган.

Жумладан, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари парвозларини чеклашга доир қарорлар Андижондаги фожиали воқеалардан анча илгари, 2004 йил ўрталаридан бошлаб қабул қилинган. Шундай экан, Андижондаги фожиали воқеалар ва Хонободдан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш талабини бир-бири билан боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Хонобод аэродромини АҚШ Қуролли кучларига Афғонистон ҳудудида жанговар ҳаракатлар олиб бориш даврида қидирув-қутқарув ва гуманитар операцияларни амалга ошириш учун фойдаланишга бериш тўғрисидаги 2001 йил 7 октябрда имзоланган битим амалда ўз вазифасини ўтаб бўлганлигини тушуниш учун қатта таҳлилчи бўлиш шарт эмас.

Мазкур битимнинг 18-моддасига кўра, у 1 йил муддатга тузилган эди. Аммо томонлардан бири (Ўзбекистон ёки АҚШ) дипломатик каналлар орқали 180 кун олдин ёзма равишда ушбу ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиш хусусида хабардор қилмагани учун битим ўз кучида қолаётган эди.

Маълумки, АҚШ расмий шахсларининг баёнотларига кўра, Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг фаол босқичи 2002 йилдаёқ тугаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ташқи сиёсат мақамасининг нотасини эътибор билан ўқилса, шуни англаш мумкинки, Ўзбекистон томони АҚШ Давлат департаменти ва Пентагон раҳбариятига Хонобод аэродромининг мақоми билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни сўраб бир неча

бор мурожаат қилгани таъкидланган. Бунда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг ушбу базадан фойдаланиши Афғонистондаги ҳарбий кампаниянинг ақунлини билан узвий боғлиқ эканлиги кўзда тутилган.

Аслида Ўзбекистон номи зикр этилган идоралар раҳбарларига олти мартадан кўп мурожаат қилган. Бу мурожаатлар 2002 йил охиридаёқ, яъни Андижондаги воқеалардан анча олдин бошланган. Бироқ, тан олиш керакки, Америка томони турли баҳоналарни рўқач қилиб, мазкур масалани ҳал этишни амалда бойсалга солиб келган.

Шу боис, Ўзбекистон ҳукуматининг Хонобод аэродромидан Америка контингентини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорининг сиёсий сабаблари ҳақидаги тахминни жамоатчилик онгига сингдиришга бўлаётган уринишларни Ўзбекистон-Америка муносабатларидаги вазиятни мураккаблаштиришга интилишни давом эттириш, бу қарорни Андижон воқеаларига сунъий равишда боғлашдан бошқа нарсаси эмас, деб баҳолаш лозим.

Қайд этиш жоизки, Ташқи ишлар вазирлиги нотасида Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон халқаро аксиптерор коалициядаги фаол иштирокини, шунингдек, халқаро террорчилик, радикал экстремизм, наркотрафик ҳамда тинчлик ва хавфсизликка бўлган бошқа таҳдидларга қарши курашда бундан бўён ҳам АҚШ билан ҳамкорликни давом эттириши таъкидланган.

Шарҳловчи.

(«Правда Востока» газетасининг 2005 йил, 3 август сонидан).

Транспорт

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

Республикаимиз пойтахти аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш йўлида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмокда. Бу соҳанинг истиқболли белгиласига қаратилиб қабул қилинаётган йўриқномалар ҳам бунини кўрсатиб турибди.

«Тошшаҳарйўловчи-транс» акционерлик компаниясининг Республика Молия вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланган қарор лойиҳаси ҳам келгусида яхши самара беради. «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш самарадорлигини босқичма-босқич ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номланган бу ҳужжат асосида қатор муҳим тадбирлар ҳам белгиланади.

ЭНЕРГИЯ ХЎЖАЛИГИ ХИММАТИ

Транспорт ҳаракати жараёнларида маълум узлишлар содир бўлиб туради. Унинг олдини олиш борасида электр тармоқларини созлаш билан шуғулланаётган энергетиклар хизмати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Тошшаҳарйўловчи-транс» акциядорлик компаниясининг энергия хўжалиги хизмати жамоасининг бу борадаги саъй-ҳаракатини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Ҳозир унинг қарамоғида 80 га яқин кучлини нимстанциялари мавжуд. Улар трамвай, троллейбус улаиш тармоғининг соз ҳолда бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари паст вольтли кабел тармоғидан ҳам фойдаланилмокда.

Электр транспортини бир меъёрга ҳаракатга келтириш дастури ҳам ишлаб чиқилди.

СТАНЦИЯ ЧИРОЙ ОЧДИ

Пойтахтимизнинг Шимолий темирйўл вокзалига кўплаб транспорт воситалари қатнайди. Бу ердаги автобус, троллейбус шохбехати янги-дан чирой очди.

Вокзал автостанцияси кенгайтирилиб, йўловчилар учун қулайлик яратилди. Ўн еттинчи троллейбус йўналиши қатнови ҳам яхшиланди. Бунёдкорлик ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси меъмор ва қурувчилари лойиҳаси асосида олиб борилади.

Акбар АЛИЕВ

Бунёдкорлик

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, бунёдкорлик, ободонлаштириш юмушлари, осмонга бўй чўзган мухташам иншоотлар, замонавий бинолар, жаҳон андозаларига мос спорт мажмуалари юртимизнинг порлоқ истиқболи тимсоли бўлиб кўзга ташланмокда. Қабққа қарамаган улкан қурилишлар, равон йўллар, ҳар томонлама қўлай кўприклар кўзни қувонтиради. Бугун «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлган одам ҳам қатта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш, қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларининг жадаллик билан олиб борилаётганига гувоҳ бўлиши мумкин. Биз «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги ўзгаришлар билан яқиндан танишиш ва ҳамшаҳарларимизни ҳам бундан хабардор этиш мақсадида шаҳарча ҳокими Жавдат ИНОҒОМОВ билан суҳбатда бўлдик.



«ЁШЛИК» ШАҲАРЧАСИ ЯШАРМОҚДА

— Шаҳарчамизда бошланган кенг кўламли қурилишлар қаттаю кичикини қизиқтириши табиий, — деб сўз бошлади Жавдат Иноғомов. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, турли вазирликлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, қатор корхона, таъшилот ва хомийлар ёрдамида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси яшартирилиб бутунлай ўзгача қиёфа касб этмокда. Яъни, 1960-йилларда қурилган ётоқхоналар тубдан таъмирланиб, қайта янгиланмокда. Яроқсиз ҳолга келганлари бузилиб ҳиббон ва спорт майдонларини барпо этиш ишлари олиб борилмокда. Талабалар ётоқхоналаридаги шарт-шароитлар ҳам ўзгариб, талаба-ёшларимизнинг яхши ўқишлари, хордиқ чиқаришлари учун тегишли қўлайликлар яратилмокда. Кино зал, танкичи адаблар, шоирлар санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиладиган алоҳида хоналар, ошхонада ҳам барча шароитлар тахт қилинади. Ёшларнинг бўш вақтларини умумий ўтказишлари учун спорт иншоотлари ва

сув ҳавзалари қурилиши ҳам режалаштирилган.

Булардан ташқари шаҳарчада инфратузилма ҳам янгиланиб, кўплаб савдо

«Ёшлик» шаҳарчамизга янги-дан кўрк бериб, ободонлаштириб, гулу-чечаклар, мева ва манзарали дарахтларни экиб, кўп минг сонли талабалар яшайдиган ушбу гушани сўлим масканга айлантириб кутиб олиш йўлида ҳаракат қилилмокда.

«Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида!», — Бу сўзлар буюк келажақ қурувчилари, эртанимиз давомчилари бўлган ёшларни гурунлантиради. Уларни таълим-тарбияли бўлишга, иқтидор ва қобилиятлари, куч-ғайратларини мустақил юртимиз равожи, гуллаб-яшнашига сарф қилишга ундайди. Шундай экан, захмат-



шоҳобчалари ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этилмокда. Шаҳарчада жойлашган бозорча қайта қурилиб фойдаланишга топширилди. Албатта яқинлашиб келаётган азия ва улуг байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган Тошкент Давлат юридик институтига қарашли таъмирдан чиқарилган ётоқхоналар.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

Фармонни ўқиб

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг асосий мақсади — халқимизнинг муқтақил тараққиёт йўлидан изчил боришини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти имкониятларидан аҳолини кенгрок баҳраманд этиш, ватандошларимизнинг ҳаёти, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинлигини тўла кафолатлаш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишдан иборат, десак, асло хато қилмаган бўламиз. Зеро, бу ҳақиқатни тарихан қисқа ўн тўрт йиллик даврда юртимизда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида кечаётган кенг қўламли ислохотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, дунё ҳамжамияти билан ҳамкадамлик, ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган инсонпарварлик тамойиллари суд-ҳуқуқ тизимида кескин ислохотлар қилишни тақозо этди. Бу эса, энг аввало, юртимизда жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан бошқича-бошқич либераллаштиришда ўз ифодасини топди.

Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги Фармонига биноан судлар ихтисослашди — яъни, фуқаролик, жиноят ва ҳўжалик ишлари бўйича судларга бўлинди. Шунингдек, судловда ярашув институтининг жорий этилиши, иқтисодий жиноятларга доир ишларни кўришда моддий зарарни қоплаганларга қамок билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгилаш ёки ҳибсхоналарда сақланаётган шахсларга нисбатан судгача ва суд жараёнида эҳтиёт чораси сифатида гаров, кафилилик бериш орқали уларни тилхат билан озодликка чиқариш каби чораларни қўллаш масалаларининг ҳал этилиши суд-ҳуқуқ тизими тубдан янгиланганини кўрсатади. Буларнинг барчаси — жиноий жазоларни либераллаштириш жараёни, амнистия актилари ҳам гуманистик сиёсатнинг ифодаси, халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлиликнинг ўзига хос кўринишидир.

Маълумки, кейинги йилларда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда. Чунки ўлим жазоси ҳамма вақт ҳам ўзини оқламайди. Энг ёмони, суд ўлим жазоси белгилашда хатога йўл қўядиган бўлса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. Бундай аччиқ ва даҳшатли сабоқларни халқимизнинг яқин ўтмиши — шўролар тарихи мисолида кўплаб учратиш мумкин.

Ўзбекистон муқтақилликка эришганидан сўнг бу борада ҳам том маънода тарихий қадамлар қўйилди. Бугун мамлакатимизда юритилаётган жиноят ва жазо билан боғлиқ сиёсатнинг ўлим жазосини назарда тутган қисми Конституциямизда белгилаб қўйилган инсонпарварлик тамойиллари ва жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мослиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу муносабат билан кейинги йилларда собиқ Ўзбекистон ССР қонунчилигида ўлим жазосини назарда тутуви 30 дан ортик моддалар босқичма-босқич бекор қилинди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палата-

си ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида юртимизда ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди. “Бун-

дан битта хулосага келиш мумкин, — деб қайд этган эди давлатимиз раҳбари, — ушбу масала етилиб келмоқда ва уни ҳал қилиш лозим”.

Маълумки, ҳозиргача фақат икки турдаги жиноят — жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. Шунинг ҳам айтиш жоизки, содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган эди.

Шу ўринда нега биз ўлим жазосидан узил-кесил воз кечмай, бу мақсадга босқичма-босқич эришиш йўлини танладик, деган савол туғилиши табиий. Ўртбошимиз бирон-бир масала бўйича қарор қабул қилишда ҳеч қачон шовша-шошарликка йўл қўймамликини, авваламбор, унинг оқибатларини халқимиз, оддий одамлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва шундан кейингина аниқ бир қарор қабул қилиш лозимлигини доимо ўқтириб келади. Бинобарин, жиноят ва жазо билан боғлиқ қонунчилигимиздан ўлим жазосини батамом олиб ташлашда жиноят, жиноят процессуал, жиноят ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган давлатларнинг қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиш муҳим вазифа қилиб белгиланган эди.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва муқтақамловчи халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари-

га тўла мослиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилганини кўпчилик ватандошларимиз адолатнинг яна бир тасдиғи, инсонпарварлиқнинг олий намунаси сифатида қабул қилди. Бу Ўртбошимиз томонидан жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Фармонни ўқиб беихтиёр ўйга толасан киши. Бу кўҳна дунёда одам балалари ўртасидаги муносабатлар, низою зиддиятларни бартараф

дейилади.

Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар қандай жиноят жамиятга, инсонларга нисбатан тажовуз, уларнинг ҳуқуқини поймол қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар қандай манфур жиноятчи ҳам инсондир. Аввало, инсон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унга олаётган тарбияси ва бошқа турли омиллар таъсир кўрсатмайдими? Бироқ қонун бу — қонундир. Ҳар қандай жиноят эса жазога лойиқ бўлиши билан бирга, жиноятчи ҳам ўз инсоний ҳуқуқларига эга. Шу боис ҳам жиноятга оид сиёсатдаги туб ўзгаришлар мамлакатимиздаги кримноген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонга ноҳилис, ғаразли кўз билан қарайдиган айрим ғаламислар “Ўзбекларнинг дийдаси қаттиқ, буни ҳатто жиноятчиларга жазо беришда ҳам кўриш мумкин”, деб айюҳаннос солишади. Гўёки Шарқ дав-

латлари Фарб давлатларига хос бўлган бағрикенгликдан йироқ эмиш. Улар шу тариқа Шарқ мамлакатларида эркинлик ва демократия етишмади, деган фикрни бошқаларга сингдирмоқчи бўлишди. Мазкур Фармон бундай ноҳилис уйдирма тарқатувчиларга муносиб зарба бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Фармон олий инсонийлик ва гуманизм ғояларига асосланган. Бу — қотил мутлақо кечирилди, ўта оғир жиноят учун бериладиган жазо тўхтатилди, дегани эмас, албатта. Шунинг унутмаслик керакки, бу қадам жамиятимиз аъзолари тафаккурида истиқлол шарофати билан содир бўлаётган эзгу ишларнинг залворлиси ва ўта нозигидир. Шу маънода, ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз чуқур ва атрафлича ўрганмоғимиз лозим.

Муқтақиллик боис миллатимизнинг топталган эрки тикланди, асрий зулм занжирлари парчаланди, халқимизнинг азалий орзулари рўёбга ошмоқда. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётимизнинг барча баҳбаларида ўз самарасини бермоқда. Юртимиз киёфаси кун сайин ўзгариб, одамларимизнинг турмушига қўт-барака қўшилмоқда. Бундай тарихий ўзгаришларни кадрлаш, уни асраб-авайлаш, турли ғаразли таъсирларга учмаслик, жиноятнинг ҳар қандай кўринишидан тийилиш, ўзаро меҳр-муҳаббат ва садоқат билан яшаш ҳар бир кишининг виждон амри бўлмоғи лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Жамиятимизда эзгулик, олижаноблик ва инсонпарварлик муҳитини янада муқтақамлашга қаратилган ушбу Фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларимизнинг яна бир тасдиғидир.

Сирожиiddин РАУПОВ,
ҳуқуқшунос-журналист

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

— Шавкатжон Шокиралиевич, суҳбатимизни поездларда йўловчи ташишни ташкил этиш зиммасида бўлган «Ўзтемирийўлчи» ОАЖнинг Республикаимиз мустақиллиги йилларида эришган ютуқлари, йўловчиларга поездларда ҳам вокзалларда кўрсатилаётган замонавий хизмат турларидан бошла-
сак...

— Ҳозирда қурилаётган ва қайта қурилган катта вокзалларимизда йўловчиларга ҳар жihatдан қулай, кенг қўламли хизмат турлари мавжуд. Ўриндиқли кутиш заллари, иссиқ овқатлар, совуқ сувлар, енгил таомлар, телекўрсатувлар, компьютерлаштирилган ўйин хоналари, турли хил эшиттиришларни тинглаш жойлари, душхоналар, оналар ва болалар дам олиш хоналари ҳамда баъзи бир катта вокзаллардаги меҳмонхоналар шулар жумласидандир. Мустақиллик йилларида вилоят марказлари — Ҳанч, Нукус, Наманган, Қарши, Термиз, Андижон, Бухоро, Жиззахдаги вокзаллар қаторида Марғилон, Ховос, Қўқон, Китоб, Қўнғирот вокзаллари ҳам қайтадан қурилди. Самарқанддаги уяётган бургут қанотли мухташам вокзал биноси эса катталиги ва чиройи жиҳатидан биринчи ўринларда туради.

2001 йилда ишга туширилган Учқудуқ-Мискин-Нукус янги йўлида ҳам чўл бағрида юздүзек қарақлаб турган Мискин, Тўртқул, Элиқалъа, 2-Учқудуқ, Мойлисой, Бузайбай каби вокзаллар, ҳозирда қурилаётган Тошгузар -Бойсун-Қумқўрган темир йўлиларида Тошгузар, Дехқонбод, Бойсун вокзаллари ҳам ўз чиройи билан Ўзбекистон темир йўлига алоҳида ҳусн ва кўрк бахш этиб турибди.

— Тошкентдаги Марказий вокзалда ҳам қайта қуриш ишлари кетмоқда.

— Тошкентдаги Марказий вокзал ҳам шу кунларда темирийўлчилар кўни билан тўздан қайта қурилмоқда. Бу ерда қилинаётган ишлар қўламини алоҳида таъкидлаш мумкин. Вокзал олди қисқа мuddат ичида янаб турган гулзорга, кенг-мўл яшил хёбонга айлантирилди. Перрон олдида бунёд этилаётган ажойиб фавора тевааракка салқинлик ва ҳусн бериб туради. Вокзал бинолари ичида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи замонавий талабалар бўйича безатилган комфорт заллари бунёд этилади.

Тошкент вокзали қурилишида фарғоналик темирийўлчилар ва Тошкентдаги қуюв-механика заводи ишчилари жонбозлик намуналарини кўрсатиб ишлашяпти. Ишлар ҳам ўн навбатда ташкил этилган. Насиб этса, Тошкентнинг янги вокзали Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 14 йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида қурилган Ўзбекистон вокзалларини кўриб кишининг кўзи қувонади. Ахир айтишади-ку, юртимиз дарвозаси ҳам, ҳар бир шахарга келган йўловчи-ю меҳмоннинг қадами ҳам энг аввал вокзал ҳудудига қўйилади. Вокзаллар эса ўша юртининг, ҳар бир шахарнинг оstonаси ҳисобланади. Бу оstonалар эса ҳозирда қошоналарга айланмоқда.

— Йўловчиларга вокзалларда ва поездларда кўрсатилаётган хизматларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА

Республикаимиз мустақиллиги йилларида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилганидан кейин Республикаимиз темир йўллари ривожланиши юқори босқичга кўтарилди. Бу эса қурилаётган янги йўлларда, бу йўлларда бунёд этилаётган янги замонавий вокзаллар биноларида, уларда қатновчи ташкил этилаётган тезорар поездларда, қолаверса, вокзал ва поездларда кўрсатилаётган хизматлар ҳар томонлама қулайликларда ўзини намойён эта бошлади.

Аслида темир йўллари исласи қилиш бошланганида 1997 йили темир йўл компаниясини қайта ташкил этиш жараёнининг биринчи босқичида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган «Ўзтемирийўлчи» давлат корхонаси тузилди ва у кейинчалик очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. Натижада ушбу корхона томонидан Ўзбекистон йўлларидаги қўллаб-қўлланган қайта таъмирланиб замонавий талабаларга мос кўрмак ва шинам вокзалларга айлантирилди, бошқа кўпгина ишлар амалга оширилди.

Жамоатчи муҳбиримиз ҳар йили август ойининг биринчи ақшанбасида нишонланадиган Темирийўлчилар байрами арафасида «Ўзтемирийўлчи» ОАЖ бошлиғи ўринбосари Шавкат НУРМАТОВ билан мулоқотда бўлиб, жамиятда олиб борилаётган ишлар, йўловчи поездлар қатнови ва уларда йўловчиларга яратилаётган шароитлар ҳақида суҳбатлашди.

Ҳозирда «Ўзтемирийўлчи» ОАЖда юз бераётган ўзгаришлардан асосий мақсад йўловчиларга вокзалларда ва поездларда жаҳон андозаларига мос намунали хизмат кўрсатишга қаратилмоқда. Бунга вилоят марказларидаги вокзаллар комфорт залларидаги йўловчиларга чипта сотишдаги бюрмта хизматларининг йўлга қўйилганини айтса бўлади. Бу ерга кириб келган йўловчи чипта сотувчи ходимга мурожаат қилиб бюрмта беради ва чипта сотувчи йўл ҳужжатларини расмийлаштиригунча бюрмтачи дам олиб, телевизор кўриб ўтиради. Чипта ҳақиға истаган йўловчилар учун овқатланиш талонлари ҳам қўшиб берилади. Поездларда чой ичиб, газета-журнал ўқиб, ҳамроҳлари билан суҳбатлашиб, табиати томоша қилиб кетишлари мумкин. Йўловчи ташкилдаги ўзгаришлардан ўз хизматчиларимиз манфаатлари ҳам кўзланган. Шунинг учун барча хизматчиларнинг, йўл қўзатувчиларининг маошлари оширилган, йўл қўзатувчилар олдиндан тузилган аниқ жадвал бўйича ишга чиқашади, улар қачон поездни қабул қилиб олиш-у қачон топширишларини билишади.

— Ҳозирда ёз мавсуми. Айни шу даврда поездлар қатновидидаги ўзгаришлар кўпчиликини қизиқтиради. Шулар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Шу йилнинг 25 майда 5-Тошкент-

Москва фирма поезди яна биттага кўпайтирилди. Илгари ҳафтасига иккита эди, энди учта бўлди. Шунингдек, ҳозирда «Шарқ» деб номланган Тошкентдан Бухорога қатновчи тезорар поезди тайёрланмоқда. Насиб этса, юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги кунлари уни қатновга қўйишни мўлжаллаяпмиз. Бунинг учун танлаб олинган вагонлар синовдан ўтказилди, вагон хизматчилари ҳам тайёрлаб қўйилди. Бу тезорар поезди ҳам ҳозирда Тошкентдан Самарқандга қатнаётган «Регистон» тезорар поезди каби барча қулайликларга эга I ва II класс вагонлардан иборат бўлади.

— Йўловчи ташишни зарар келтириб ишлайдиган соҳа дейишади. Сарф-харажатларни камайтириш йўлида нималарга эътиборни қаратяпсизлар?

— Жамоамизнинг олдида турган энг катта вазифалардан бири хизмат сифати ва турлари савиясини оширган ҳолда сарф-харажатларни камайтиришдир. Қисман бунга эришяпмиз ҳам. Мисол учун 2004 йилнинг 6 ойида 3 миллион 857 мингдан ошқ харажат қилинган бўлса, 2005 йилнинг шу даврида бу харажатлар 3 миллион 97 мингга туширилди. Яъники, 764 минг сўмга камайтирилди. Ташкиллар микдори ва сифати ошди.

Бунга чиптасиз йўловчиларнинг юришига назоратни қучайтириш, вагонлар таъмирдаги сифатни яхшилаш, вокзаллардаги сервис хизматлари орқали эришилди.

Бу ишларга корхонамизнинг Самарқанд, Қўнғирот, Қўқон, Тошкент каби филиаллари ўзларининг яхши хизматлари ва кўрсаткичлари билан ҳисса қўшди. Шунингдек, Тошкентдан шахар атрофида қатновчи поездларда қатновчи йўловчилар сонининг ошгани ҳам ишимиздаги ижобий ўзгаришга омил бўлди.

Вагонларни сифатли таъмирлаш ҳам икитисода муҳим ўринни эгаллайди. Сифатсиз таъмирланган вагонлар ўз вақтидан олдин таъмирга кириб сарф-харажатларни ошириб юборади. Кейин вагон хизматчилари ҳам ўз вагонларига ўзларининг шахсий машинасига қарагандек қарашлари керак.

— Ҳозирда корхонага қарашли қанча йўловчи поездлар бор?

— Бизда 830 та йўловчи вагонлари мавжуд. Уларнинг 17 таси СВ, 267 таси купе, 430 та очик турдаги (плацкарт), 51 та таксимиллаштирилган, 32 та вагон-ресторанлардир. Улардан 464 вагон харакатда.

Ҳозирги пайтда йўловчи вагонларимиз ўзиниқиди — Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводида таъмирдан чиқарилмоқда.

Адхам ДАМИНОВ суҳбатлашди

Биласизми?

АСРЛАР ОША КЕЛГАН ЁЙ ЎҚИ

Наманган вилоят ўлкашўнослик музейига янги бир экспонат қўйилди. Курувчилар чуқур қазибётган тўрт метр чуқурликда металл найзали камалак бамбун ўқини топдилар. Ўқ яхши сақланган. Унинг найзаси бироз зангланган. Ҳолбуки, олимларнинг фикрича, у ерда камида беш аср ётган.

Санкт-Петербург давлат Эрмитажининг илмий ходими Н.Г.Горбунова топиладиган ўқ билан танишиб чиққан: «Бу шубҳасиз XIV-XV асрлардаги жангчи узган ўқдир, — деди. — У XVI аср бошларида Шайбонийхонларга қарши жанг қилган қўшинга бош бўлиб Наманганга келган Заҳириддин Бобур ёй андозиники бўлиши ҳам мумкин. XV асрнинг охиридада Улуғбек Монғолияга юриш бошлаш олдида мана шу ерларда тўхтаган деган гаплар ҳам бор. Ўқ Улуғбек ёй андозиники бўлиб чиқса ҳам ажаб эмас».

Ҳозирга қадар Фарғона водийсидан бундай топиладиган қанчагина эди. Маҳаллий ўлкашўнослик музейининг шу нодир экспонати олимларни қўзғатади кизиқтирмакда.

ҒАЛАТИ ОЛАМ

Франциядаги Абвилъ шаҳри (Сомма департаменти)нинг кўпни кўрган полициячилари ўз исми ва адресини унутиб қўйган. Францияга қандай келиб қолганлигини билмайдиган киши билан тўқнашиб қолганларида нима қилишларини билмай, довираб қолишди.

Нотаниш кимсанинг бу ерда пайдо бўлишининг ўзи сирли. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, уни декабрь ойининг охиридада тонг саҳарда шаҳардан оқиб ўтувчи Сомма дарёсининг тик қирғоғига қиймларини жиққа ҳўл ҳолда чиқиб олишга интилаётганида пайқаб қолишган. Бу киши йўловчиларнинг саволларига ўлда-жўлда жавоб қайтарган ва қарахт холатда бўлган. Бу ғалати одам билан қизиқиб қолган полиция унинг ёнида ҳужжатлари ҳам, пули ҳам йўқлигини, фақат инглиз тилида гапиришини аниқлаган. Нотаниш киши полицияда ўзини Ричард Кросс, кейинроқ Жексон, деб атаган. У даиди эмаслиги яққол кўриниб турибди, чунки у яхши қийинган, дуруст таълим кўрган одам.

Гарчи терговни олиб боришга қўшни Булонъ шаҳридаги инглиз элчихонаси ҳам қўшилган бўлсада, бирорта саволга жавоб топилмади. Британия дипломати фақат нотаниш кимсанинг инглиз тилини мукамал билишиниғна тасдиқлай олди, холос. Айни пайтда Скотланд-Ярд бу одамнинг Буюк Британиядаги қариндошуруғларини қидира бошлади.

Элёр КУРБОНОВ
тайёрлади.

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!»

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг «Истиклол имкониятларида оқилона фойдаланайлик» шиори остида ўтказилаётган «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси ўқувчиларни бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа туман ҳокимликлари, Халқ таълими, Ички ишлари, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа ишлар бўлимлари, прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, ўқувчилар ижодиёт бўлими ҳамда туманда жойлашган олий ўқув юрлари, академик лицей ва коллежлар, мактаблар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Шайхонтоҳур туманида 42 та умумтаълим мактаб, 17 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, 4 та олий ўқув юрлари, 49 та маҳалла мавжуд бўлиб, мазкур муассасаларда ҳаракатнинг туман бўлими томонидан турли тадбирлар ўтказилмоқда.

— «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни келажакда қамол инсон бўлишлари учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар

яратиб бериш, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни соғлом турмуш тарзида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган, — деди ҳаракатнинг Шайхонтоҳур туман бўлими кенгаши раиси Бунёдбек Юлдошев.

Ушбу лойиҳага кўра, Шайхонтоҳур туманида жойлашган 186-299-мактабларида «Қамолот» оромгоҳлари ташкил этилди. Икки мавсумда ташкил этилган ушбу ёзги оромгоҳларда жами 400 нафар бо-

лалар дам олмақда. Шунингдек, туман ИИБда рўйхатда турувчи вояга етмаган ўсмирлар учун туман бўлими кенгаши томонидан «Харбий спорт оромгоҳи» ташкил этилди. Оромгоҳ фаолияти 7 кундан, 3 та мавсумда олиб берилади. Хар бир мавсумда 20 га яқин вояга етмаганлар тарбияланади.

Бундан ташқари, компьютер ўқув курслари, туманнинг «Қоратўш», «Исломобод», «Янги Қамолот», «Илғор»,

«Ибн Сино», «Ўрда» маҳалларида инглиз тилига ўргатиш курслари ташкил этилди.

Маҳалла болаларини жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлишларини таъминлаш мақсадида «Қўчма оммавий спорт» мусобақалари ташкил этилди. Шунингдек, «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» дарслари маҳаллада истикомат қилувчи фуқаролар учун манзур бўлмоқда. «Сиёсий-хуқуқий саводхонлик» сабоқлари Тошкент Ислон университети талабалари томонидан уюштирилмоқда. «Оила» маркази туман бўлими ҳамкорлигида эса «Сартарошлик» сирлари ўргатилмоқда.

Бу ўқув курсларининг барчасини бепул ташкил этилиши эса лойиҳа иштирокчиларини ва «Қамолот» аъзолари сонини кўпайтиришга сабабчи бўлди.

«Туркистон-пресс»

СУВРАТ ЁНИДАГИ СУҲБАТ

Қатра

Онажон, ҳаммаси ўша йиқилган кунимдан бошланди. Ногоҳоний фалокат оғим остидан чиқди. Қаттиқ бир нарсанинг бошимга урилганини биламан, холос. Касалхонада ҳушимга келдим. Мени машина уриб кетган экан. Бошим ва оёқларим қаттиқ лат ебди.

Касалхона шифтига термулиб, чин юракдан Аллоҳга нола қилдим. Бир ўзимга келиб, бир кетиб ётардим. Ёнимда ҳамшира жилмасдан ўтирарди. Уйқумиди, бир нафаслик ҳушсизлики ёки ҳаёлмиди,

бошимни Сизнинг қўлларингиз силарди, онажон. Меҳр билан бошимни силашингиз бирам ҳуш ёқардики, ҳанузгача ёдимдан чиқмайди. Шундан кейин тез тузала бошладим. Бу фақат тинимсиз қилинган муолажаларнинг натижасигина эмас. Онажон, сизнинг меҳрингиз, руҳингизнинг мадади деб биламан. Буви бўлиб қолган қизингиз бошида парвона бўлган руҳингиз олдида умрбод қарздорман. Онажон, сувратингизга термулиб сиз билан беихтиёр сўзлашарканман, тўё лабларингиз

пичирлаб менга далда бераётгандек туюлди. Ногирон жисмида куч пайдо бўлиб, яшашга иштиёқ туғилди.

Лекин бир нарсага хайрон қоламан. Қўзларим равшанлигида кўп нарсаларни парда ортидан кўргандекман. Энди эса кўз деган муқаддас неъматнинг зиёсидан маҳрум бўлганимда, баъзи нарсалар ўз жамолини ёрқин ва аниқ кўрсатаётгандек. Гавҳарнинг қадри йўқолганда билинади, деганларидек, мен ҳам барча борлиқни қалб кўзи билан ҳис қилиб кўрмоқдаман. Қолган умримнинг ҳаммаси азиз руҳингиз пойига раҳмон ёмғири бўлиб тўқилсин, Онажон.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

Шарқ дурдоналари



• Қобусномада дўст танлаш ҳақида шундай дейилади: Эй фарзанд, билгинки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағай. Кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир. Бир доғишманддан сўрадиларки: «Дўст яхшими, биродар?» Донишманд деди: «Дўст яхши».

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошкор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топганинда эски дўстингдан кечмагин. Улардан юз ўтirmaгин, токи ҳаммиса дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улўф давлатидир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, ақлсиз дўст ақли душмандан ёмонроқдир. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақли душман уни қила олмайди. Олижаноб, муруватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгинки, сен ўзингнинг муруватинг, шафқатинг, илминг билан машҳур бўлгайсан. Бемуруват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагинки, бундай одамлар билан ўтиришдан кўра танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳаққини асло бекорга кетказмагин, токи сени маломат қилмасинлар.

Қашшоқ бўлсанг, бадавлат билан дўстлашмагин, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзингга лойиқ дўст ахтаргин. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни тутсанг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнгилни рост тутти, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, яна қайтадан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилғил, таъмали, кин адоватли дўстан узоқ бўлғилки, унинг дўстлиги ҳаққий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмағил, кин, адоватли киши дўстликка лойиқ эмасдир.

Байт:

Яхши дўстинг сенга

ёмон истаса,

Ундан юз ўтир

ё бардошла сўзла.

У билан олишма,

сўкма, тортишма,

Шунда ҳам ярашмиш

йўлини қўзла.

• Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

• Яхши хотин жон малҳами.

Оила даврасида

Сўхбатлар

хикоя қилибди ва шу сўхбат асосида "Сизга ниманинг гўштидан палов тайёрлашсин?", деб мулозамат ҳам кўрсатиб қўйибди.

Бу сўхбатдан ўйга чўмиб қолган ҳоким:

— Сиз бундан нима манфат топасиз? — деб сўрабди.

— Мазаза қилиб юраман, димомим чоғ бўлади, — дебди мингбоши.

— Шу, холосми? — деб сўрабди ҳоким.

— Ахир дунёда ҳеч ким ета олмаётган, топа олмаётган таомни ёйишдан ҳам ортиқ бахт борми? — дебди мингбоши.

— Бор, — дебди ҳоким. — Бу ҳам бўлса элга яхшилик қилиш, халқнинг дуосини олишдир.

экан, сенинг бу мақтанчоқлигинг кимга керак? Бундан ким манфатдор? Уйлагансанки, мен ҳам ошинга, нафсинга шерик бўламан. Ва бу илтифотинг учун сендан миннатдор бўлиб, мингбошилиқ лавозимида сақлаб қоламан. Янглишасан, шаҳарни ҳар қандай ёғийдан сақлайдиган мард баҳодирлар ҳолидан хабар олмай қўйган сендек мингбошиларни эл-юрт олдида жазолайман, тавбаларингга таянтираман.

— Бир қошқик қонимдан кечинг, айбимни ювишга фурсат беринг, — дебди мингбоши ялиниб. Ҳоким имкон берибди. Ва шундан кейин мингбошилар ҳар кун бўлмаса ҳам, ҳар икки кунда катта дошқозонларда ош дамлатиб, шаҳар аҳлига едирган, кишилар соғлом, бақувват бўлиб, билалари кучга тўлган экан. Табиийки, улар ҳам ўз навбатида элнинг қорига яраб, дуоларига мустажоб бўлибдилар. Бора-бора ана шу ош баҳона кимнингдир тўйини, маросимини ҳам қўшиб ўтказиш ҳам расмга

айланибди.

Кейинчалик бундай ошларни айрим кишилар баҳоли қудрат ўзлари ҳам қила бошлашди. Аста-секин, яхши кунлар ҳукм суриб, оддий фўқоро ҳам элга ош бериш даражасига эришибди.

Ха, ошда ана шундай ҳикмат бор. Шундан бўлса керак, ҳамюртларимиз элга ош бериш, дуо олиш билан оилаларига барака киритишга умид қиладилар. Хатто бозорда катта тўй оши учун масалиқ олишаётганда ҳам сабзавоткор-ку, шолікор, қасоблар дуога шерик бўлиш учун маҳсулотларини арзонроқ сотишган, ёки пулларига ортиғи билан беришган.

Тўйлар ичида энг ибратлиси, савоб ва мазмунлиси ҳам ош бериш маросимидир. Чунки бу тadbирга келган инсон уй эгасини ҳурмат қилгани учун миннатдор бўлади, қўли қўксид бўлади. Сўнг албатта, қўчлик қатори уй эгасига, тўй бўлаётган фарзандлари ҳақида дуо қилади, энг эзгу тилакларни билдиради.

Нима бўлганда ҳам тўйларда элга ош бериш расми давом этаверсин. Элга ош берган дуога сазовор бўлаверсин, деймиз.

Зафар ТОИРОВ

Қадриятларимиз

Тўй оши

Шулардан энг тантанавори, залворли йиғини, бу — элга ош беришдек маросимдир. Гоҳ азонда, гоҳ пешинда бўлсин, тўйларимизда ош бериш анъанага айланган.

Айтишларича, қадимда Тошкентда тўй мингбоши ўтган экан. У шаҳарда ҳар хил жониворларнинг гўштига тайёрланган ош ейиш билан довруғ қозонган экан. Тимсоҳнинг гўштидан то бўлбулининг гўштигача татиб қўрган экан. Номини эшитса, ўша жониворни Маккадан бўлса ҳам тутиб келтириб, унинг ҳам гўштидан палов тайёрлаб, ҳузур қилар экан. Кўнларнинг бирида ана шу мингбоши уйига шаҳар ҳокимини тақлиф этиб, ана шундай ошхўрлиги ҳақида ярим кун

Сен шунча парранда-ю, жониворнинг гўштидан ош егандан кўра атрофингда яшаётган кишиларнинг ҳолидан, оиласидан ҳам хабар олдингми? Уларга жилла курса, бир коса таом бердингми? Улардан ҳам дуо олдингми? Раҳматига, меҳрига сазовор бўлдингми? Ахир улар сени қўраб турган аскарлар, шаҳар ҳимоясида турган баҳодирлар-ку. Сен мени қақирган кўнингиде бу ён-атрофингда яшаётган шу одамларнинг турмуши билан қизиқдим, бироз гаплашдим. Айтишларича, сен асли нафсингдан ортмай, уларни менсимай, айримларига эса, меҳнатларига яраша ҳақ ҳам бермай қўйибсан. Бунинг устига кўнларни ювинди, ёвгон шўрвага қолган экан. Шундай

ган мард баҳодирлар ҳолидан хабар олмай қўйган сендек мингбошиларни эл-юрт олдида жазолайман, тавбаларингга таянтираман.

— Бир қошқик қонимдан кечинг, айбимни ювишга фурсат беринг, — дебди мингбоши ялиниб. Ҳоким имкон берибди.

Ва шундан кейин мингбошилар ҳар кун бўлмаса ҳам, ҳар икки кунда катта дошқозонларда ош дамлатиб, шаҳар аҳлига едирган, кишилар соғлом, бақувват бўлиб, билалари кучга тўлган экан. Табиийки, улар ҳам ўз навбатида элнинг қорига яраб, дуоларига мустажоб бўлибдилар. Бора-бора ана шу ош баҳона кимнингдир тўйини, маросимини ҳам қўшиб ўтказиш ҳам расмга

Шифобахш неъматлар

ҚОВУННИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Ковун - тожикча харбуза, арабча биттих деб аталади. Бугунги кунда қовуннинг 100 дан ортиқ навлари мавжуд.

Қовуннинг кимёвий таркибиде қанд (сахароза, фруктоза, глюкоза) клетчатка, органик кислоталар, турли витаминлар бор. Қадимги халқ табибатида уни ҳўл, совуқ мижоли, тикчиларни очувчи ва меъда-ичак-сийдик йўллари тазоловчи, деб ҳисоблашган. Халқ табибатида дармонсиз ва камқон касалларга қовун буюрилади. У гепатит билан оғриб ўтган ва қабзиятли беморларга берилади. Юзга сепкил ва ҳуснубазар тошганда, доғ тушганида кечаси ётиш олдида юзга қилиб қилиб сўлган қовун пўчоғи боғлаб қўйилади. Уруғларини янчиб сувга яхши қориштириб, сепкил ва ҳуснубазарларни кетказиш мумкин. Сарик касаллиги, истиско, буйрак-тош касаллигида қовуннинг фойдаси кўп. У пешобни ҳайдашни кучайтиради ва одамни терлатувчи хусусиятга эга.

Замонавий табибатида қовун қувват берувчи, пешоб ҳайдовчи ва сурғи воситаси тариқасида буюрилади. У айниқса қабзият, гепатит, атеросклероз, камқонлик ва бошқаларда фойдали. Таркибиде витамин С ва РР бор. Ибн Синонинг таъкидлашича у буйрак ва сийдик қопидаги майда тошларни ҳам туширади.

Беш вақтингизда

"ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТИ" КРОССВОРДИ

Ёйлар бўйича: 1. Йил фасли. 2. Қуёш чиқиши олдида самодда қўринадиган қизиллик. 3. Туркистон тизма товларининг шимолӣ-ғарбий ёнбағридаги тоғ-юрмон қўриқхонаси. 4. Тонинг ўтиш қулай жойи. 5. Ватанимизда етиштирилаётган цитрус мева. 6. Камеб чопқир жонивор. 7. Самоддаги сув томчилари. 8. Ер юзига отилиб чиқувчи сув манбаи. 9. Тоғлар билан ўралган обод маскан. 10. Ошқўк экин. 11. Банди нордон тоғ ўсимлиги. 12. Фарона вилоятдаги ўмирбоқ қинорларга бурканган маскан. 13. Қуёш ботган пайт. 14. Пойтахтимиз вилоятдаги шифобахш тоғлик оромгоҳи. 15. Шапалоқ баргли серсоҳ дарахт. 16. Қашқадарё вилоятдаги қўриқхона. 17. Бошоқли дон экин. 18. Узун нави. 19. Тўқай ўсимлиги. 20. Сув жонивори. 21. Полизда пишиб етилидиган сабзавот. 22. Саксовуллар оиласига мансуб панжасимон ўсувчи ёввойи гёҳ. 23. Дарахтзор. 24. Ёввойи тоғ қўйи. 25. Тоғ қуруқ меvasи. 26. Эртапишар ҳўл мева. 27. Кўннинг ярми ўтган пайт. 28. Ёқилги сифатида ишлатиладиган ва турли саноат ашёлари олинадиган қазилма маъдан. 29. Тиканли чўл гёҳи. 30. Гулламай мева тугадиган ҳўл мева. 31. Қўмтабахо рангли металл. 32. Майда оқш баргли ёввойи ўсимлик. 33. Тошқен яқинидаги тоғ. 34. Қўлаб етиштириладиган полиз экин.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Чорвачилик маҳсулоти — 16, 10, 3. 2. Рангли металл — 5, 2, 16. 3. Тола олинадиган экин — 6, 10, 4. 4. Маҳаллий бўғдой нави — 9, 1, 8, 7, 1, 2, 2. 5. Қузги япроқ — 13, 1, 14, 11, 15.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги муаммонимани ҳал этиш билан ибратли сўзларни билиб олинг.

Тўзувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 28 июль сониде берилган СКАНВОРДнинг жавоблари:

Энига: Аскиябозлик. Лутфий. Рохатбахш. Од. Гул. Олис. Азон. Айрон. Блок. Чавандоз. Исм. Се. Нав. Пудрат. Ақл. Ит. Мутўйба. Шон.

Бўйига: Фармонбўйи. Бўйра. Заф. Қарсак. Об. Эт. Хандон. Девзира. Зира. Аср. "Хандалак". Лол. Изох. Ов. Чаплин. Улус. Ўта. Зақий.

Спорт

ЁШЛАРИМИЗ
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ

Россиянинг Краснодар шаҳрида трамплин бўйича Жаҳон кубогининг III босқич мусобақалари поёнига етди.

Турнирда бу гал мамлакатимиз вакиллари омад кулиб бокмади. Фақат кескин ва ҳаяжонли курашларда ўз бой маҳоратини кўрсатган энг тажрибали спортчимиз Екатерина Хилько кучли саккизликда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса-да, ҳал қилувчи баҳсларда у бешинчи ўрин билан кифояланди.

Яна бир спортчимиз Александр Ниловага жароҳатдан сўнг узок вақт давомида мусобақаларда иштирок этмагани панд берди. У 42 иштирокчи ўртасида йигирма учинчи ўринни эгаллади.

Шуни таъкидлаш кераки, Жаҳон кубоги босқичи беллашувлари ниҳоясига етиши билан Краснодарда ёшлар ўртасида яна бир қизиқарли мусобақа бошланди. Ва унда юртимизнинг ёш трамплинчилари ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

Космонавт Георгий Добровольский хотирасига бағишлаб ўтказилган Россия Кубоги очик мусобақаларида кўпгина мамлакатлардан умидли спортчилар қатнашиб, ғалаба учун кураш олиб боришди. Энг қуёи ёш тоифаларида ўтказилган мусобақаларда ёш юртдошларимиз мутахассисларимизни бениҳоя мамнун этишди. Жумладан, 11-12 ёшли болалар ўртасида ўтказилган баҳслар натижасига кўра Ўзбекистонлик Владимир Елисеев ҳурмат шоҳеупасининг энг юқори поғонасидан жой олган бўлса, 13-14 ёшли қизлар турнирида яна бир вакиламиз Моҳина Ибрагимовага ҳам ғалаба нашидасини суриш насиб этди.

15-16 ёшдаги қизлар баҳсида ҳам яна бир спортчимиз — Анна Савкина бор имкониятларини намойиш этган ҳолда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлигининг Ишлар бошқармаси бошлиғи Қобилжон Турсуновга акаси Абдусалом ТУРСУНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ
ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ
ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2005 йил 18 июлда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, қуйидаги паст рентабелли корхоналарнинг давлат активлари инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:

№	Корхона номи	Манзили	Бепул берилган давлат улуши	Инвесторларнинг тақлифлари		
				Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	"Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Жалолобод кўчаси, 4-уй	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	200,0	1
2	"Ичтаъминоттранс" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 2-уй	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	61,0	1
3	"Шарқ мебели" МЧЖ	Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 10-уй	46,25	Фаолият турини сақлаб қолиш	70,0	1

Маълумот учун телефонлар: 133-39-57; 133-22-98.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 34 сўм 50 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 18 сўм 00 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА
ТАЙЁРГАРЛИК

Шу йилнинг 20-22— май кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича Осиё очик чемпионати ўз голибларини аниқлаган эди.

Олмос Юсупов, Алишер Абдуллаев, Темура Мухаммаджонов, Шавкат Уролов каби жаҳон чемпионларини камолга етказган Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси яна бир нуфузли мусобақани мамлакатимизда ўтказди. Келгуси йилнинг март ва апрель ойларида жаҳоннинг энг кўзга кўринган чарм кўлоқ усталари Тошкент рингларида ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. "Жар" спорт мажмуасида бўлиб ўтган семинар йиғилишида ҳам жаҳон чемпионати тайёргарлик ва ташкилий ишларнинг қай тарзда кетиши муҳокама қилинди. Шунингдек тадбир давомида вилоят федерацияларининг ярим йиллик фаолиятида муаммо бўлиб турган ҳакамлар масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Таъкидлаш жоизки, мазкур спорт турининг мамлакатимиздаги ривожига барча вилоятларда бирдек деб бўлмайди. Андижон вилояти федерацияси бир неча ойдики ўз раҳбарига эга эмас эди. Шу боис жаҳон чемпионати совриндори Мухаммадали Йўлдошев бир овоздан Андижон вилояти кикбоксинг федерациясига раҳбар этиб тайинланди. Семинар йиғилишида "Ҳакамлар ва аёллар кикбоксинг кўмитаси" ташкил этилди. Тадбир давомида кейинги ярим йил давомида бўлиб ўтадиган мусобақалар таҳвили ҳам эълон қилинди. Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 15 август кунли Санкт Петербургда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этсалар, сентябрда 83 кг вазн тоифасида профессионаллар ўртасида рейтинг жаңгини Шавкат Уролов Кипрда ўтказди. Шунингдек, Самарқандда Осиё чемпионати, Тошкент вилоятининг Бўка шаҳрида халқаро турнир ўтказилиши режалаштирилган.

«ПАХТАКОР» КЛУБИ ОСИЁДА
УЧИНЧИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси август охи учун жаҳоннинг 350 та энг кучли футбол клубларининг янги рейтингини эълон қилди.

Унга кўра Миланнинг икки жамоаси биринчи ва иккинчи ўринларни сақлаб қолган ҳолда етакчилик қилмоқда. Учинчи ўринни эса ўтган мавсум УЕФА чемпионлар лигаси голиби ҳисобланмиш Англиянинг Ливерпуль клуби эгаллаб турибди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса ушбу рейтингда 105 очко тўплаган ҳолда 115-поғонага кўтарилиб олган. Пахтакорчилар мазкур рўйхатда Осиё клублари ўртасида учинчи ўринни банд этиб туришибди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

Мунажжим башорати

ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНГИЗНИ
НАМОЁН ЭТИНГ

5 АВГУСТ, ЖУМА

Бугун Янги ой тугилган кун. Шунинг учун, дея таъкидлашди кўпчилик мунажжимлар, нафақат бугунги қилишларингиз, хатти-ҳаракатларингиз, балки ўй-фикрларингиз ҳам шу ой давомидаги ҳаётингизга сезиларли таъсир кўрсатади.

Меркурий, Ой, Қуёш ва туниги Ойнинг Нептунга қарши ўз қувватларини бирлаштириши энг ёмон ўй-фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлади ва уларни зудлик билан миядан чиқариб ташлаш лозим.

Айни пайтда астрологик кўрсаткичларнинг бундай бириктиши кўп муҳаббатли шахсларнинг ўзларига ёқиб қолган кишилар эътиборини тортишга интилиши сифатида талқин этилиши ҳам мумкин. Учинчи бир жиҳатдан эса, ушбу омиллар болаларнинг сувдаги хавфли шўхлиқларига туртки бўлиши, катталарнинг эса ҳирсий зўравонликлари, гиванд моддалар ва спиртли ичимликларга мойилликларини кучайтириши мумкин. Шу кунги бўкиб ичган одам узок вақтгача ўзини ўнглаб ололмайди.

Бугун имкон қадар ёлғон гапирмаслик, аччиқланмаслик, олдидан билиб туриб, ёлғон ваъда бермаслик керак, зеро, буларнинг ҳаммаси вақти келиб ўзингизга зиён келтириши мумкин. Ортиқча шошалоқлик ва феолик силлангизни кўриштиши мумкин.

Қушлар сайроғи остида уйғониш бугун яхшилик аломати ҳисобланади. Мабодо, устингизга қуш пати тушса — бу сиз учун ютуқ, омад ва бойлик белгиси бўлади. Уйда гулларнинг сўлиб қолиши — нохушликка ишора бўлса, кутилмаганда совба қилинган гул — хурсандчилик ва бахт белгисидир.

Ёрқин ва аниқ-тиник тушлар башоратли бўлади. Шимол томонга бошни қўйиб ётиш яхши тушлар кўришингизга қафолат бўлади.

Тишларни даволатиш ёки олдиришдан бугунча тийилиб турганингиз маъқул. Ҳаммомга бориш, массаж ва уқалаш муолажалари танга яхши ёрдам бўлади.

Либосларингиздан оқ, сариқ ва юлғун ранглари бугун кийишингиз мумкин. Қора, кўк ва жигарранг кийимлардан нарирок бўлинг.

БУГУН

— қандай бўлса ҳам янги эзгу ишни бошлаш (ҳамма яхши ниятли интилишлар самарали бўлади);

— ижодий салоҳиятингизни намойён этиш;

— ўз обрў-нуфусингизга эътибор қилиш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш ҳақида ўйлаш;

— кўпроқ вақтингизни суйган кишиларингиз давраларида ўтказиб, шахсий ҳаётингизни изга тушириш;

— энг муҳими мулоқотларни суҳбатдошингиз билан яқкама-яққа ўтказиш;

— башангрок кийинишдан тортинмаслик;

— ҳар қандай яратувчилик иш билан шуғулланиш тавсия этилади.

Сизга ёмон таъсир ўтказадиган кишилар билан учрашишдан, бошқалар тажрибасидан фойдаланишдан ўзингизни асранг.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-66;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 бошмақча, оғирлиги
узунлиги бошқалиқ
5009 нускада босилади. Қўғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 563

Намри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ширкатидаги «Тошкент оқшоми» бошқармаси
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.